Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 11-sentabr • Payshanba • 111 (27.916) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади».

Суратларда: *«Феруза-6» пармалаш қудуғида мустаҳкамлаш ишлари жараёнидан лавҳа; илғор ҳайдовчи-мотористлар (ўнгдан чапга) Шерзод Расулов, Шерзод Чориев ва Фарҳод Очилов.*

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

ВАТАННИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун жаҳон спорт ишқибозлари қатори Ўзбекистонда ҳам миллионлаб мухлислар дунёдаги энг нуфузли мусобақа бўлган ана шу халқаро олимпиада беллашувларининг қандай кескин ва машаққатли курашлар остида ўтганини кузатиб турди.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шундай шиддатли ва муросасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган спортчиларимиз албатта халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-эътиборида бўлгани, ҳар қайси спортчининг мухлислари уларни қўллаб-қувватлаб, мадад тилаб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бу ўйинларга бетараф одам бўлмади, бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни худдики ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси бўлди, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади, деди Президентимиз.

Пекиндаги мусобақаларда иккинчи бор Олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, кумуш медаллар билан тақдирланган Абдулла Тангриев ва Сослан Тигиев, бронза медалларига сазовор бўлган Екатерина Хилько, Ришод Собиров ва Антон Фокин ана шундай ўта кескин ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани халқимизга чексиз қувонч ва ғурур бахш этганини бугун барчамиз хурсандчилик билан қайд этамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай юксак марралар ва ютуқларга эришган Ўзбекистон спортчиларини, Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, шу ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаб, уларга куч-қувват ва маҳорат бағишлаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна ва яна бир бор табриклаш менга катта мамнуният ва ифтихор етказади.

Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу улкан ютуқ бугун ҳаётга кираётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, куч-ғайрати ва спорт маҳоратини ошириб келаётган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан айниқса шарафлидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Президентимиз, — Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, спортга ихлосманд бўлган халқимиз Пекин Олимпиадаси якуни билан бир ҳақиқатни яхши англаб, хулоса чиқармоқда. Яъни, бутун жаҳон жамоатчилиги кузатиб турадиган бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган натижаларни қўлга киритиш энг аввало бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам бўлмасдан, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга донғи таралган спорт устозлари мактабини яратишимизга боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илғор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, айниқса, спорт билан фаол шуғулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, айни пайтда бу масалага эътиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш, 2012 йилда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига чуқур тайёргарлик кўриш учун ҳукумат комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик.

Ўйлайманки, бу қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар жаҳон ва Осиё қитъасида, минтақамизда бўлиб ўтадиган мусобақаларда катта ютуқ ва ғалабаларни, янгиянги медалларни қўлга киритиш йўлида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, илгари айтган даъватни яна бир бор такрорлаб айтишга ижозат бергайсиз: бўш келманглар, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Барчамиз шу даъват билан яшашимиз керак, шу даъватни амалга ошириш учун ўзимизни аямаслигимиз керак, деди пировардида Ислом Каримов.

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги нишонланиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, Пекин Олимпиадасида олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ислом Каримов уларга ана шу юксак мукофотларни топширди.

Учрашувда Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Екатерина Хилько, Владимир Пятаев, Антон Фокин Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган катта эътибор учун миннатдорлик изҳор этдилар. Бу юксак эътибор Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётганини, мамлакатимиз спортчилари бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини баланд кўтаришларини таъкидладилар.

(ЎзА)

ИШ СИФАТИ — САМАРАДОРЛИК КАЛИТИ

Қашқадарё. «Нефтгаз қудуқларини синаш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Қудуқларни мустаҳкамлаш» цехи жамоаси Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси ҳудудларида бурғуланаётган ҳамда таъмирланаётган нефтгаз қудуқларига хизмат қилади.

Айни кунларда жамоанинг 156 нафар ишчи-хизматчилари ва мутахассислари 86 та бурғуланган ҳамда таъмирланган қудуқларда цементлаш — мустаҳкамлаш ишларини олиб бормоқдалар. Улар бажарган иш сифати қудуқларда самарадорликни оширишга ва хавфсизлик чораларини кафолатлашни таъминлайди.

МИЛЛАТ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПГАН АСАР

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Президентимизнинг мазкур асари барча идора ва ташкилотлар, таълим даргоҳларида ўқиб-ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари С.Холбоев бошқарган тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани, бу эса халқимизнинг жаҳонда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлгани алоҳида таъкидланди. Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини зарарли ғоя ҳамда мафкуралардан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. «Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади», дейилади асарда. Дарҳақиқат, бугунги мафкуравий хуружлар шиддат билан кечаётган дунёда инсон маънавияти ва тафаккурини забт этиш йўлида бўлаётган таҳдидларга қарши кураш олиб бориш, турли зарарли оқимлар юртимизга, айниқса, ёшларга ўз таъсирини ўтказишидан огоҳ бўлиш шу куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш юзасидан фикрлар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

☑ Фракция фаолияти

Замон қанча тараққий этса, миллий маънавият, халқнинг ўзлигини сақлаб қолиш ва юксалтиришга эҳтиёжи ҳам шунча кучаяди. Шу сабабли мамлакатимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлари, фаоллар ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш» мавзусига бағишланди. Унда асосан Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, китобда кўтарилган, илгари сурилган ғояларни чуқур ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов ушбу асарнинг жамиятда юксак маънавиятни шакллантиришдаги ўрни ҳақида тўхталди. Китобда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилгани, мамлакатимизнинг ҳар бир ўғил-қизи ундан ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиши зарурлиги ҳақида фикр юритди. Бугун глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олаётгани, ғоявий, мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари кучаяётгани ҳақида гапириб, ушбу асар ёшларимизда ёт ақидаларга, иллатларга қарши иммунитетни мустаҳкамлашда мустаҳкам замин яратади, дея таъкидлади.

Фракция аъзолари китобда миллий ғоя, маънавий юксалиш тамойилларини амалга ошириш, шарқона, ўзбекона маънавиятимиз ва миллий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилгани, уларнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган юксак ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталди. Мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий оламида чуқур ўзгаришлар содир бўлгани, мамлакатимиз ва унинг атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан юртдошларимизда дахлдорлик ҳисси, фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида тўхталдилар.

Тадбир иштирокчилари жамиятимиз маънавиятини асраб-авайлаш, уни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни турли салбий ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида Президентимизнинг мазкур асаридан келиб чиқадиган муҳим ва долзарб масалалар, вазифалар, уларни амалга ошириш йўллари тўғрисида фикрлашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар кенгашлари раислари С.Аъзамов ва Д.Азизхўжаевлар иштирок этдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган «Алёртекс» Ўзбекистон — АҚШ — Россия қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Мамлакатимизда етиштирилган пахта толасидан тайёрланаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб катта. Шу боис бу корхонада ишлаб чиқариладиган калава ип маҳсулотлари асосан хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Ҳамкорлар кўмагида корхонага 5,1 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя жалб қилиниб, замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Натижада халқаро стандартларга мос, сифатли калава ип тайёрлаш имконияти юзага келди.

Йилига беш минг тоннадан ортиқ калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонада 300 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

☑ Халқаро анжуман

МЎЪЖИЗАЛАР САЛТАНАТИГА САЁҲАТ

Китоб давлат геологик қўриқхонасида палеозой эрасининг қуйи Девон даврига оид илмий изланишларни умумлаштириш, она сайёрамизда мукаддам юз берган табиий ўзгаришларни ўрганишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Петербургли олима Елена Дементьева қўриқхона музейидаги топилма тош қотган жисмни кўрсатмоқда

ЖАСОРАТГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Қўриқхона Китоб шаҳридан 50 километр узоқликда, тоғлар бағрида жойлашган. Унга бориш учун Мотмон ва Жавуз қишлоқларини оралаб ўтиш керак. Кексаларни суҳбатга тортсангиз, узоқ йиллик тарихдан гап очишади. Қишлоқ марказида устунига ҳижрий 845 йил ёзуви битилган масжид ва ёнида 800 йиллик чинор қад кўтариб турибди. Қўриқхона ҳудудига киришингиз билан иқлим ўзгачалигини сезасиз. Йўл бўйидаги Жиннидарё ўзани қуруқ, суви йўқ. Аммо айрим сойларда тиниқ булоқ сувлари йилтираб кўзга ташланади. Қўриқхона қўрғони жойлашган ер Обиё деб аталади.

Меҳмонлар келган куни, 140 ўринли мажлислар залида халқаро конференциянинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Давлат геология қўмитаси раиси Наримон Мавлянов кириш сўзи билан очиб, юртимизда илм-фан ривожи йўлида яратилган шарт-шароитлар, профессор-ўқитувчиларимизнинг интеллектуал салоҳияти, халқаро илмий ҳамкорлик ҳақида сўз юритди. Китоб тумани ҳокими Л.Ғаффоров эса бу борада туманда олиб борилаётган ишлар, Халқаро геология конгрессининг Девон даври комиссияси раҳбари, германиялик олим Томас Баккер ва бошқалар анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад-вазифалар ҳақида тўхталишди.

4- бет

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

ЭЛЕКТОРАТ ОРАСИГА ЧУҚУР КИРИБ БОРИШ

партия ташкилотларининг асосий вазифасидир, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Икром Қурбонов

— Партиямиз ўтган йиллар мобайнида сиёсий йўналишини аниқ белгилаб, дастурий мақсадларини амалга ошириш учун дадил ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига 22 нафар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига 200 га яқин депутат сайланган. Улар партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу борадаги давлат дастурлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Партиямиздан сайланган депутатлар орасида фаоллиги, ташаббускорлиги билан сайловчилар ишончини оқлаётганлар анча. Айниқса, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Ж.Мирзаев, Х.Холлиев, З.Мамажонов сингари депутатларнинг партия электорати манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятидан ибрат олса арзийди. Шунингдек, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари орасида ҳам сайловчилар билан иш олиб бориш ва долзарб масалаларни кўтариш борасида кўпчиликка ибрат бўлаётганлар оз эмас. Термиз шаҳар Кенгаши депутати Л.Жўраева, Қумқўрғон туман Кенгаши депутати П.Зиёдуллаев, Термиз туман Кенгаши депутати О.Бердимуродоваларнинг депутатлик фаолиятидан кўплаб ибратли мисолларни келтириш мумкин.

Тўғри, сайловчилар ишончини қозониб, депутат бўлган айрим сафдошларимиз депутатлик фаолиятидан қониқиш қийин. Улар депутатлик ваколатига эга бўлгандан кейин ўзига билдирилган ишонч оқлаш, сайловчилар манфаатини қатъият билан ҳимоя қилиш ишлари билан жиддий шуғулланмай қўядилар. Бунинг сабабларидан бири партиямиз депутатлик гуруҳларининг ҳаммаси ҳам талаб даражасида фаолият юритмаётганидир. Ушбу гуруҳлар томонидан электорат ҳаётий манфаатларини ҳимоя этадиган биронбир масала халқ депутатлари туман Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилмаган. Сессияларга тайёргарлик кўриш, масалалар муҳокамаси юзасидан қарорлар қабул қилиниши жараёнида депутатлик гуруҳларининг таклифи ёки ташаббуси кўринмайди. Бундай ҳолатни Ангор, Бандихон, Олтинсой, Сариосиё, Шўрчи, Қизириқ туманларидаги маҳаллий депутатларимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий мақсади фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам беришдир. Уларда депутатлар, партия кенгашлари масъул ходимлари навбатчилиги ташкил этилган. Фуқароларнинг муроожаатларини қайд этиш учун журналлар юритилмоқда. 2008 йилнинг 6 ойида қабулхоналарга турли масалалар бўйича 750 дан ортиқ мурожаат бўлган. Уларнинг аксарияти коммунал тўловлар, коммунал хизматлар, моддий ёрдам ажратиш, иш билан таъминлаш масалалари билан боғлиқ. Бойсун, Музработ, Термиз, Узун, Қумқўрғон туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига энг кўп мурожаат бўлган. Эътиборлиси, фуқаролар фақат муаммолар билан эмас, балки қизиқиш, партия кенгашлари фаолиятига доир янгиликлар билан танишиш, уларнинг ишини янада яхшилаш таклифи билан ҳам келмоқдалар.

Шунингдек, аҳоли кенг қатламлари, хусусан ёшлар орасига чуқур кириб бориш, бу борадаги амалий ишлар доимий фаолиятимизни ташкил этади. Жарқўрғон туманидаги Кокайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида «Ёшлар — Ўзбекистонимиз келажаги» мавзуидаги форум ўтказилди. Анжуман доирасида тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг 15 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. 16 ёшга тўлганларга эса Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида «Баркамол авлод — Ватанимиз келажаги» мавзуида учрашув ташкил қилинди. Қизириқ ва Қумқўрғон туман кенгашлари жойларда ёшлар форумларини ўтказишда ташкилотчилик қилдилар. Денов туманида ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. ЎзХДП туман кенгаши ҳомийлигида ёшлар орасида шахмат мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг моҳияти ва вазифаларини аҳоли ўртасида тушунтириш, жойларда ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ёшларни мунтазам равишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги семинарлар, тарғибот-ташвиқот ишларига кенг жалб қилаяпти. Ушбу тадбирлар натижаси ёшларнинг фуқаролик масъулияти, сиёсий маданияти, партиямизга қизиқиши ортаётганидадир.

Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотлари мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрамини муносиб ўтказишда фаол иштирок этди. Энг улуғ, энг азиз байрамни нишонлаш жараёнида партия ғоялари ва сиёсати, депутатлар фаолиятини яхшилаш, электорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун янада кенг имкониятлар юзага келди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ ёзиб олди.

МАРҒИЛОН ГИЛАМЛАРИ

Марғилон шаҳридаги «Тўёна» ўзбек — турк қўшма корхонасида беш хил турда турли ўлчамда сифатли гиламлар тайёрланмоқда. Уларга харидорлар талаби ҳам, буюртма берувчилар сони ҳам кун сайин ошиб бораяпти. Корхона жорий йилнинг ҳали биринчи ярмидаёқ 65 минг квадрат метр турли ўлчамли гиламлар ишлаб чиқариб, саккиз ойлик режани муваффақиятли адо этганди.

Айни кунларда бу ерда янги ишлаб чиқариш биноси қурилиши ҳам қизғин давом этяпти. Қўшимча корхона замонавий компьютерлашган чет эл технологияси билан жиҳозланади, янги иш ўринлари яратилади.

Суратда: *корхонанинг илғор ишчиси Гулнора Мукаррамова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ БИНОДА

Ғиждувон туманида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида барпо этилган мустақиллик иншоотлари сони яна биттага кўпайди. «Ғиждувонқурилишпрофи» МЧЖ жамоаси туманнинг Чармгарон қишлоғида лойиҳа қиймати 1 миллиард 436 миллион сўм бўлган икки қаватли замонавий мактаб биносини бунёд этди. 630 ўқувчига мўлжалланган мактабда кенг ва ёруғ синфхоналар, компьютер синфи, фан лабораториялари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, алоҳида қурилган стадион мавжуд. Шинам ошхона ўқувчиларга хизмат кўрсата бошлади.

— Биргина бу эмас, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамид Деҳқонов. — Соктари қишлоғида транспорт коллежи, Зарангари қишлоғида педагогика коллежи бинолари ҳам Мустақиллик кунида фойдаланишга топширилди.

✧✧✧

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги кўпчилик ўқувчи-ёшлар янги ўқув йилини янги биноларда бошлашди. Пахтачи туманидаги Қурбонқул маҳалласида хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи учун янги бино қурилди. Коллежнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар янги ўқув маскани бунёдкорларига ўз миннатдорчилигини билдиришди. Тантанали маросимдан кейин 330 нафар ўқувчи замон талаблари асосида жиҳозланган ўқув хоналари сари йўл олишди.

Ургут туманидаги Чумчуқли қишлоғида эса 630 ўринли янги мактаб биноси «Ургутқурувчи-таъмирловчи» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари томонидан қуриб, фойдаланишга топширилди. 22 та ўқув хонаси фанларга мос равишда жиҳозланди. Айниқса, компьютер хонасининг ташкил этилганлиги ўқувчилар учун ажойиб туҳфа бўлди.

— Қишлоқдошларимизнинг неча йиллик орзуси ушалди, — дейди мактаб директори Х.Раҳмонов. — Барчамиз фарзандларимизнинг замонавий мактаб биносида таълим-тарбия олишини кўпдан орзу қилардик. Мана энди бизнинг ўқувчиларимизга ҳам барча фанлардан чуқур билим олишлари учун етарли шарт-шароит яратилди.

Ишонамизки, ўқувчи-ёшларимиз кўрсатилаётган ғамхўрликларни чуқур англаган ҳолда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишади ва ўз билимларини янада ошириш учун астойдил ҳаракат қилишади.

Даврон БАҲРОНОВ, Мамадали ЖАЛИЛОВ

ЎзХДП: фаоллар ташаббуси

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ УЧУН

Мустабидлик замонида халқимиз бошидан ўтган машаққатлар ва истиқлол имкониятлари ҳақида ҳаётий мисоллар муҳим аҳамият касб этади

Ёшларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, шубҳасиз, ҳар ўқув йили бошида ўтказиладиган Мустақиллик дарсларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, нафақат таълим муассасалари, балки бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳам янги ўқув йилининг илк сабоғини муносиб ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этяпти. Мамлакатимиз ўқув даргоҳларида партия етакчилари, сайланма органлари аъзолари, депутатлар, фаоллар ва жамоатчилик ҳурматэътиборидаги инсонлар ушбу дарсларнинг мазмунли ўтишига ҳар жиҳатдан кўмаклашмоқда.

Шундай Мустақиллик дарсларининг навбатдагиси Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 145-мактаб ўқувчилари учун туман партия кенгаши томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилди.

— Иккинчи сентябрдан буён беш мингдан ортиқ фаолларимиз таълим муассасаларида Мустақиллик дарсларини ўтказишда фаол қатнашаяпти, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Партия ташкилотларимиз томонидан ўсиб келаётган авлод вакиллари учун ўқув масканларидан ташқарида ушбу дарсларни ўтказиш ҳамон давом этяпти. Мақсад — ёшларни юртимизда юз бераётган демократик жараёнлардан чуқур хабардор қилиш, уларнинг сиёсий қарашларини шакллантириш, дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиришдан иборат. Жамиятда ёшларнинг иштироки, фаоллиги, ташаббускорлиги йилдан-йилга ошаётганини ҳисобга олсак, улар билан ишлаш жуда муҳим.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов, Маҳмуд Маҳкамов мустақил Ўзбекистонда юритилаётган ёшларга оид давлат сиёсати, ёш авлодни камол топтириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

— Бугунги кун ёшлари Мустақилликка эришгунимизга қадар халқимиз босиб ўтган машаққатли йўл, мураккаб жараёнлар, боскичлар, унинг азоб-укубатларини кўрмаган, бевосита бошидан кечирмаган, гувоҳи бўлмаган, — дейди Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона директори Абдусалом Умаров. — Шу сабабли биз, катта авлод вакиллари тарихнинг ушбу нуқтаси моҳияти ва унинг ибратли жиҳатларини тушунтириб беришимиз зарур. Мустақиллик дарслари шу мақсад учун хизмат қилади. Озодликнинг туб моҳиятини англаб етишда бундай дарслар ўта зарур.

— Шу вақтгача Мустақиллик дарсларини мактабда ўтиб келардик, — дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Миржалол Чориев. — Ўқитувчиларимизнинг ҳикояси, учрашув иштирокчиларининг давлатчилигимиз қурилиши ва унда сиёсий партияларнинг роли ҳақидаги маълумотлар, кутубхонага уюштирилган саёҳат туфайли эсда қоларли бўлди.

Мустақиллик дарси доирасида ўқувчилар мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти, қонун яратувчилик тизими, сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП фаолиятига оид саволларга жавоб олдилар. Дарс якунида улар кутубхонада сақланаётган ноёб китоблар, мустақилликнинг 17 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Президент асарлари ва махсус адабиётлар, китоблар кўргазмаси билан танишдилар.

Гулгун СУЛТОНОВА Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

Иқтисод ва ислоҳот

АЛОҚА ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙЛИК

олис овул ва ўтовларга етиб боргандагина ишимизда сифат ва самарадорлик кўлами яна ҳам ортади, — дейди республика акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Навоий вилояти филиали жамоаси

Мамлакатимизда у ёки бу соҳага йўналтирилган акциядорлик тижорат банклари бугунги кунда жуда кўп. Жумладан, республика акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг асосий хизмат тури бу — энг замонавий, ўта тез ва соз алоқа муҳитини яратишдан иборат. Зеро, дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги каби тезкор алоқа хизмати бугунги кунда мустақил Ўзбекистон учун ҳам давр талаби.

Маълумки, республика «Алоқабанк»ига 1992 йилда асос солинган. Унинг Навоий вилоят филиали эса 2004 йил апрелида ташкил топди. Жуда қисқа вақт ичидаёқ мазкур жамоа ташкилий-таркибий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Филиал хизмат кўрсатадиган биргина «Навоийтелеком»ининг ўзини оладиган бўлсак , у вилоятда замонавий сифатли алоқа муҳитини тезкорлик билан ярата олди. Вилоят марказидан 200-300 километр олисликда — сарҳадсиз кенгликларда жойлашган — Учқудуқ, Томди, Конимех каби туманлар, Зарафшон, Зафаробод сингари шаҳарларда бундай алоқани яратиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Чўл ичкарисида «Мингбулоқ», «Мурунтов», «Учтепа», «Қизилқум», «Денизтов», «Дўстлик», «Бирлик» қўрғонлари, ўтов ва овуллари борки, улар 550-590 километргача узоқликда саҳро қўйнига «шўнғиб» кетган. Боз устига Зарафшон шаҳри, янги очилган фосфорит ва «Кўкпатас» олтин ишлаб чиқариш заводлари телехизматларини ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, уларга кетган харажат ва сарфланган сармоя кўлами янада ортади.

— Алоқабанк»нинг Навоий филиали ташкил топгач, ишимиз бир қадар енгиллашди, — дейди «Навоийтелеком» алоқа бошқармаси бошлиғи Бозорали Тўнғишбаев. — Илгари Томди, Нурота, Конимех, Учқудуқ билан соатлаб телефонда уланолмасдик, айни кезда исталган соат ва минутларда тегишли нуқта ва абонентга чиқа оламиз. Биргина мисол, Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилда юксак технологияли ягона компьютер — локал хизматига эга 50 миллион сўмлик хорижий асбобускуналарини келтириб, жойларга ўрнатишга муваффақ бўлдик...

— Мақсадимиз фақат телефон ва «телеком» тармоғи хизмати билан чекланиб қолишдан иборат эмас, — дейди филиал бошлиғи Ўктам Музаффаров. — Банкимиз ўз мазмун-моҳияти билан «Алоқабанк» саналсада, хизмат кўрсатиш қамровида вилоят иқтисодий салоҳияти ва унинг ижтимоий ривожланиши жараёнларига ҳам ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Дарвоқе, банк жамоаси атиги 4 йилда илғор тижорат банклари қаторига чиқиб олди. Ҳозир унда жами 800 га яқин мижоз бўлса, шунинг 201 таси юридик, 184 таси юридик шахс мақомини олган. 410 тадан зиёди жисмоний субъектлардир. Амалдаги йилнинг ўзида банк мижозлари 124 тага кўпайди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 тага ошди дегани.

— Олдинига анчагача қаердан кредит олишни билмай қийналиб юрдик, — дейди «Навоий-Дон-Инвест» масъулияти чекланган жамияти раиси Убайдулла Омонов. — Ана шундай кезда жонимизга «Алоқабанк» Навоий филиали ора кирди. Банк маъмурияти 600 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит берди. Натижада, Навоийда Германиядаги каби сифатли, хуштаъм «Браво» пивоси чиқа бошлади. Ва яна банк кўмаги билан ҳозир Хитой Халқ Республикасидан яна 200 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар сотиб олаяпмиз. Насиб этса, яқин кунларда Навоийда чиройли қадоқланган, жаҳон экспертлари дидига мос яна бир янги пиво турини яратиш арафасида турибмиз.

— Тадбиркор сифатида энди иш бошлаган дастлабки кезларимда оғиримизни енгил қилган шу филиал жамоаси бўлди, — дейди «Навоийфск» масъулияти чекланган жамият раиси Ғайрат Жўраев. — Банкдан олган 400 миллион сўмлик кредитимиз эвазига ёшларга, янги ёш оилаларга замонавий турар жой биноси қуриб беришдек хайрли ишга бел боғладик. Ҳозир шаҳарда шинам квартиралар мажмуаси яратиш ишларини бошлаб юбордик...

Бугунги кунда банк активи ва капитал қўйилмаси (жорий йил 1 август ҳолатига кўра) 2 миллиард 870 миллион сўмни ташкил этади. Бу — атиги 1 йилда банк активи ва айланма маблағи 503 миллион сўмга ошди дегани. Айни шу ўринда жойлардаги қўйилма шохобчалари саналган 3 та кичик банклар хизматини ҳам алоҳида қайд этмоқ жоиз. Пластик карточкалар билан ишлаш, нақд пул муомаласига кўмаклашиш, пластик карточкалар орқали аҳолининг коммунал тўловларини амалга ошириш сингари хизмат турларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир банкда пластик карточкалар эгалари 1795 нафардан ошган бўлса, кейинги 2 ойнинг ўзида улар сафига 235 нафар субъект қўшилди.

Шунингдек, аҳолининг бўш маблағларини банкка жалб этиш, доимий омонатчилар сонини кўпайтириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Филиалда омонатчилар учун «Фаровон», «Келажак», «Орзу», «Умид», «Ёш авлод» сингари 19 та у ёки бу фоизли муайян муддатли омонатлар ташкил этилган. Уларнинг умумий қўйилмаси ҳозир 830 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2008 йил 27 мартдаги «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан сўнг омонатчилар сони яна ҳам ортди.

— Бошқа филиалларда бўлгани каби бизда ҳам банк ва банк ишига доир етук мутахассисликка эга олий маълумотли кадрлар талайгина, — дейди вилоят марказий банки бош бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раззоқов. — Филиал сардори Ўктам Музаффаровга елкадош — Фазлиддин Қаршиев, Абдурашид Абдуаҳадов, Нормамат Обидов, Беҳзод Тўхтаев каби малакали банк ходимлари фаолияти алоҳида диққатга сазовор. Озода Ҳайдарова, Машҳура Саидова, Манзура Қобиловалар ҳам мижозлар талаблари ва эҳтиёжлари учун доим камарбаста.

Тизимдаги замонавийлик — энг олис овул ва ўтовларга қадар етиб борган тақдирдагина ишда сифат ҳамда самарадорлик кўлами ортади, деган ният билан меҳнат қилаётган республика акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Навоий вилояти филиали жамоаси янада катта муваффақиятларга эришади, дейишга барча асос бор.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Истиқлол имкониятлари

«ЎЗБЕКИСТОН» НОМИ БИЛАН...

йўлга чиққан поездда юртимиз нафаси, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари уфуриб турибди

Очиғи, темир йўл транспорти — барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бирмунча узоқда жойлашган Ўзбекистон учун ҳам у катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳам «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан янги-янги халқаро йўналишлар бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилмоқда. Жумладан, бундан бир неча йил бурун Тошкент — Саратов — Тошкент йўналиши бўйича поездлар ҳаракат қила бошлаганди. Кейинчалик юртимизни Украина билан боғловчи Тошкент — Харьков — Тошкент манзили бўйича мунтазам йўловчилар ташиш бошланди. Шу йилнинг май ойидан бошлаб эса Тошкент — Новосибирск — Тошкент поезди йўловчиларга хизмат қила бошлади. Эндиликда ўзбекистонликлар Санкт-Петербургга ҳам бемалол бориб келмоқдалар.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида халқаро йўналишлардан бири Тошкент — Москва — Тошкент бўйлаб қатновчи 5/6 «Ўзбекистон» поездида биз ҳам ижодий сафарга чиқдик. Эътироф этиш керакки, айнан шу йўналиш халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлашда локомотив вазифасини бажармоқда. Шу ўринда мазкур поезддаги қулайлик ва имкониятлар хусусида сўз юритайлик. 16 та вагон ўта замонавий тарзда жиҳозланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг асосий қисми бундан бир неча йил аввал Германиядан келтирилган эди. Йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Юмшоққина ўриндиқлар, ҳар бир вагонда совутгичлар ишлаб турибди. Қишда эса доимий равишда вагонларга иссиқлик узатилади.

— 35 йилдан бери шу соҳада ишлаб келаяпман, — дейди поезд бошлиғи, тажрибали темирйўлчи Эркин Қосимов. — Мустақилликка ҳам шу йўлларда қатнаганмиз. У пайтларида вагонлар эски, кўримсиз, таъмирланмас эди. Иситиш-совутиш ҳақида эса гапириш ҳам ортиқча. Айниқса, ёз ойларида вагонлар ичида нафас олиб бўлмасди. Ҳатто вагон ойналарига парда ҳам осилмас эди. Энди эса у кунларни эслаб, кулиб кўямиз...

Йўл-йўлакай ҳамроҳларимизни суҳбатга чорлаймиз. Негаки, ҳар қандай баҳони, холис муносабатни энг аввало шу транспорт хизматидан баҳраманд бўлаётган йўловчигина билдира олади-да.

— Менинг қариндошларим Қозоғистонда яшайди, — дейди смоленськлик Инна Брук. — Аввллари Алмати — Москва йўналишидаги поездда қатнар эдим. У йўналишда умуман тартиб йўқ. Чиптасиз одамлар йўлакларни тўлдириб туради. Бу сафар Қизил Ўрда вокзалидан «Ўзбекистон» поездига чиқиб қолдим. Жуда озода ва тартибли экан. Яратилган шароитлардан кўнглим тўлди. Вагон кузатувчиларининг хушмуомалалигини айтмайсизми? Айниқса, вагон ресторандаги ўзбек миллий таомлари жуда ёкди.

— Синглим Фридгант Лара билан саёҳатга чиққандик, — дейди австралиялик Бровн Анна Хепиз. — Қадимий ва навқирон юртингизнинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ҳамда Хивадаги обидаларни томоша қилдик. Мамлакатингизнинг ёрқин ўтмиши билан яқиндан танишдик. Айниқса, ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Тошкент янада гўзаллашибди. Замонавий бинолар, қадимий ёдгорликлар билан уйғунлашиб, ўзига хос кўркамлик касб этибди. Москвага йўл олган шу поезд ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хослигини кўрсатиб турибди. Бу поездда ўзбек халқининг бағрикенглигини, меҳрибонлигини ҳис этдик. Шу боис барча темирйўлчиларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз...

Йўл давомида турли миллат ва элат вакиллари билан суҳбатлашдик. Ҳар хил юмушлар билан сафарга чиққанларнинг аксарияти гўзал юртимиз номи билан аталган поездда яратилган шарт-шароитлар дунё талаблари даражасида эканлигини қайта-қайта таъкидлашди.

Ижодий сафаримиз давомида тажрибали вагон кузатувчиларининг ишлаш тартибини ҳам кузатдик. Бинобарин, «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖнинг асосий фаолияти йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг муваффақияти одатда инсофли ва ҳалол, ўз ишининг устаси бўлмиш кадрларга боғлиқ. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш жамоа аъзоларининг асосий шиорига айланган. Чунки уларнинг меҳнатига баҳо бериш пайтида йўловчиларга кўрсатилган сифатли хизмат эътиборга олинади. Москвага бораётганимизда ҳам, қайтаётганимизда ҳам суҳбатларимиз орасида поезд бошлиғи ўринбосари Мухтор Кўчқоров, йўналиш механиги Абдували Рўзиев, вагон кузатувчилари Жаҳонгир Йўлдошев, Стефания Тиренко, Тамара Ҳайитметова, Дилфуза Умрзоқова, Рустам Йўлдошев, Рафиқ Зайниддинов, Дониёр ва Жаҳонгир Қосимовлардан секин сафардаги кечинмалари, таассуротлари ҳақида сўраймиз. Улар бўлса камтаринлик билан биз ўз вазифамизни, бурчимизни бажаряпмиз, холос. Йўловчилар ўз манзилларига тинч-омон етиб олишса, шунинг ўзи бизлар учун катта мукофот. «Ўзбекистон» деган улуғ номга доғ туширмаслик учун куну тун ҳалол ва беминнат хизмат қилишимиз шарт!» дейишди.

Дарвоқе, уч давлат оша узоқ йўл босган поездимиз яна қадрдон Тошкент вокзалига кириб келди. Йўловчилар поезд хизматчиларига чин кўнгилдан раҳматлар айтиб тарқала бошлашди.

Эртага эса шу поезд яна сафарга чиқади. Йўловчиларни ўз манзилларига элтади. Бу поезднинг номи — «Ўзбекистон!»

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Тошкент — Москва — Тошкент.

«ҒАРБ МАТБУОТИ ФИТНАСИ»

Япония билан муносабат ўрнатувчи Шимолий кореялик дипломат Корея Халқ Республикаси раҳбари Ким Чен Ирнинг жиддий хасталикка чалингани тўғрисидаги маълумот ёлғон эканини айтди. Сешанба куни АҚШ махсус хизмати махфий вакили Шимолий Корея раҳбари инсультни бошдан кечирганини эълон қилган. France Press хабарига кўра, Пхеньян бундай хабарни нафақат асоссиз, балки «Ғарб матбуотининг фитнаси» деб баҳолади.

Эслатиб ўтамиз, бу Корея Халқ Демократик Республикасининг Ким Чен Ир аҳволи тўғрисидаги ҳар хил хабарларга биринчи расмий жавобидир.

СУНТАРАВЕТ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Таиланд ҳукмати раҳбари Самак Сунтаравет мамлакат Конституцион суди қарори билан лавозимидан четлаштирилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Суднинг ҳукмича, Сунтаравет қонунга хилоф равишда телевизион шоуда иштирок этган. Айбловга биноан давлат хизматчилари тижорат соҳасида фаолият юритмаслиги керак. Шу билан бирга, суд Вазирлар Маҳкамасининг «айрим вазирлари ҳукуматнинг янги таркиби тасдиқлангунча ишлаб туришини, қолган ҳукумат аъзолари эса ўз мақомини йўқотишини» маълум қилди.

СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛАР МУЛОҚОТИ

Ливан сиёсий кучлари етакчилари ўртасидаги низони бартараф этишга доир мулоқот 16 сентябрь куни бўлиб ўтади. РИА Новости хабарига кўра, бу ҳақда Ливан Республикаси президенти Мишель Сулаймон маълум қилган. 2008 йил май ойида Катар пойтахти Доха шаҳрида Сурияга таянувчи Ливан мухолифати ва парламентнинг аксарият ғарбпараст қатлами ўзаро ярашув битимини имзолади. Битим мамлакатда бир ярим йилдан буён давом этиб келаётган сиёсий тангликка нуқта қўйди.

Етакчилар мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни яхшилаш, 2009 йил бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилиши мумкин.

ОПЕК НЕФТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҚИСҚАРТИРАДИ

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти(ОПЕК) нефть ишлаб чиқаришни кунига 520 минг бареллга қисқартиради, деб хабар беради Lenta.ru. Бу ҳақда ташкилот раҳбари, Жазоирнинг энергетика вазири Шакиб Халил маълум қилди. Мазкур чора яқин қирқ кунда амалга оширилади. Бунга сабаб —бозорнинг нефть маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлагани бўлди. Эндиликда ташкилот кунига 28,8 миллион барелл нефть ишлаб чиқаради. Аммо Индонезия ва Ироқ нефть ишлаб чиқаришни камайтирмайди. Аксинча, Сингапурдаги WTI навли нефтнинг октябрь ойидаги экспорт нархи 104,17 долларга кўтарилди.

Эслатиб ўтамиз, дунё бозорида нефтнинг нархи июль ойида 150 долларга етди, ҳозир талаб камайгани учун бир оз арзонлашган.

САРАТОННИ ДАВОЛАШ МУМКИН

Александр Карпентье бошчилигидаги француз шифокорлари миядаги саратон тўқималарини нур ёрдамида йўқ қилиш усулини ихтиро қилди. Neurosurgery журналининг ёзишича, Париждаги шифохонада ўтказилган тажрибалар натижасида 15 нафар бемордан 6 нафари касалликдан фориғ бўлган. Операция маҳаллий анестезия ёрдамида қилинади ва 14 соатдан кейин бемор касалхонани тарк этиши мумкин. Шу тариқа икки ой яшаши эҳтимол қилинган тажриба иштирокчилари умри бир йилга узайтирилди.

Тошкент шаҳар ИИББ ахборот марказига тегишли «Тошкент АМБси «Автоқидирув» рўйхатида турмайди» деб ёзилган штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ООО «Karavan Prim» зарегистрированная в Учтепинском районе г.Ташкента, извещает об уменьшении Уставного фонда общества с 1 128 566 462,80 сум на 1 058 566 462, 80 сум.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб, «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	2	3
1	*Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Азамат маҳалласида «Транспорт ва сервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	10 ой
2	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Вайрот қишлоғида «Иқтисодиёт ва сервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	10 ой
3	*Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, О.Қодиров маҳалласида «Иқтисодиёт ва сервис» йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	10 ой
4	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Иттифоқ ш/х, Дидан қишлоғида «Йўл қурилиши ва автосервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	10 ой
5	*Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани Челак шаҳарчасида «Компьютер технологиялари» йўналишидаги 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	10,5 ой
6	Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Нормуродов (ҚФЙ) маҳалласида «Хизмат соҳаси ва сервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	10 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй,

телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

I. 9-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти, Поп туманидаги Жийдаликсой қуйилиш сув омборининг қолдиқ иш ҳажмлари қурилиши.

Қурилишни якунлаш муддати — 15 ой.

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Телефон: (8-369) 226-46-44, 226-30-18, 226-45-09.

Қурилиш ишлари 9-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

II. «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» «НАМАНГАН» АЭРОПОРТИ

Наманган шаҳар аэропортида ҳудудий девор бўйлаб «Огоҳлантирув-чақирув мосламаси»ни қуриш.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 101 525 520 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Наманган» аэропорти.

Телефон: (8-369) 232-34-25, 226-20-84.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Наманган» аэропортининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. («Наманган» аэропорти бўйича талабгор махсус лизенцияга эга бўлиши шарт).

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй. (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«INTER MILK» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

қуйидаги объект бўйича талабгорлар малакасини олдиндан аниқлашни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сирдарё тумани «Ҳақиқат» СФУ ҳудудида 500 та соғин қорамол учун сутни қайта ишлаш цехи билан чорвачилик комплекси қурилиши».

Ишларни молиялаштириш «INTER MILK» масъулияти чекланган жамияти маблағлари ва тижорат банкларидан олинадиган кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили — Сирдарё шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 100-уй, тел: (8-3673) 57-08-36.

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: объектнинг дастлабки бошланғич қийматига нисбатан камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда қатнашиш ва ҳужжатларни олиш учун сўровнома билан ташкилотчи — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй.

Тел/факс: (8-3672) 27-64-84, 184-37-87, 589-37-87

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 30000 сўм.

Таклифлар (оферталар) ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни ташкилотчига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Халқаро анжуман

МЎЪЖИЗАЛАР САЛТАНАТИГА САЁҲАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олим ва тадқиқотчилар биринчи куни, қадим ҳаёт сирлари яширинган кесмаларни ўрганишга киришишди. Кун оққанда эса тадқиқотчилар бирин-кетин қўрғонга қайтиб кела бошлашди. Анча ҳориган, аммо ёши улуғ бўлишига қарамай, ҳамон дадил, серҳаракат геолог олим Александр Иванович Кимни суҳбатга тордик.

— Бу воқеа ўтган асрнинг эллик еттинчи йилига тўғри келади, — дея ҳикоясини бошлади у. — «Тошкентгеология»нинг стратиграфик партиясининг гуруҳига раҳбарлик қилардим. Зарафшон тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағрлари бўйлаб геологик чизма тузиш жараёнида жойлардаги кесмаларнинг номутаносиблиги эътиборимизни тортди. Бу жойлар геологик хариталарда «Силур даври охири ётқизиқлари» дея кўрсатиларди. Дарҳол ишга киришиб кетдик. Тош қотган жинсларда ордовик, силур ва девон даврига оид қолдиқлар учрай бошлади.

Бу ажойиб янгилик тезда кенг оммага ёйилди. Изланишларга «Самарқандгеология» партиясининг бошлиғи Н.Ларин ва М.Ерина ҳам келиб қўшилишди. Тадқиқот ишлари кейинчалик сибирлик ва санктпетербурглик олимлар ҳамкорлигида давом эттирилди. 1978 йили Самарқанд шаҳрида Девон даври стратиграфиясини ўрганиш бўйича 12 та хорижий давлат олимлари иштирокида халқаро комиссиянинг сессияси бўлиб ўтди. Девон даври қолдиқлари намуналари акс этган катта атлас, илмий хулосалар тақдим этилди. Жаҳонда ернинг қадимги бир неча даврини ўзида акс эттирувчи, очиқ ётқизиқли майдонлар кам учрайди. Ушбу янгилик натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ҳудудида оламшумул илмий аҳамиятга эга бўлган, қадим ҳаёт излари акс этган бебаҳо геологик ётқизиқли майдон борлиги аниқланди ва 1979 йилнинг 22 мартида Китоб давлат геологик қўриқхонаси ташкил этилди. Бу жойлар эса дахлсиз ҳудуд, деб эълон қилинди.

Юртбошимиз маънавий жасоратни энг улуғ фазилат, деб атаган эди. Дунёдаги тарихий жойни топган Александр Иванович Кимга ҳам ана шундай тақдир насиб этди. Қўриқхонадаги қадим ҳаёт излари бағрига жо бўлган улкан қоятош ҳозир унинг номи билан аталади.

ЕРИМИЗДАГИ ҚАДИМ ҲАЁТ ИЗЛАРИ

Қўриқхонада она сайёрамизнинг азалий тузилиши, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганишга имкон берадиган ётқизиқ ва кесмалар жуда кўп. Олим ва тадқиқотчилар дастлаб Обисафид, кейин Зинзилбоғ ва бошқа сойликлардаги табиат яратган осори-атиқаларни кўздан кечиришди.

Давлат геология қўмитасига қарашли илмий-тадқиқот ишлари бошқармаси бошлиғи, фан номзоди Абдували Жўраев анчагина қизиқарли маълумотларни айтиб берди. Яна бир суҳбатдошимиз, Санкт-Петербургдан келган профессор Елена Михайловна Дементьева жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлган, аммо ҳаётининг 30 йили Зарафшон, Ҳисор тоғ тизмаларини ўрганиш билан ўтган. Номзодлик, докторлик ишлари манбаларини ҳам юртимиздан тўплаган. «Геолог умр йўлдошим ҳалок бўлгач, руҳим тушиб, ҳаётдан буткул умидимни узиб қўйгандим. Мана шундай кунларда қалбимни юртингизнинг қуёши, ўзбекистонликларнинг меҳри иситди, уйидан, бағридан жой берди. Ўзбекистон — менинг иккинчи она юртим», — дейди кекса олима ҳаяжон билан.

— Ҳув қаранг, 2,5-3 минг метр баландликдаги тоғ чўққиларини кўраяпсизми? — давом этади у. — Сиз ҳам шу жойлар вақтида уммон бўлганини ўзингизча тасаввур қилинг. Аввал шу жойда Тетис (Поле-Тетис) денгизи, йўқ, уммони мавж уриб турган. У Ғарбий Европа, Австралия қитъаси, Ҳимолай тоғлари этагигача борган. Даврлар ўтиши билан сув пасайган, тектоник ҳаракатлар натижасида денгиз туби юқорига кўтарилган. Сайёрамизда ердаги қадим ҳаёт изларини ўрганса бўладиган жойлар жуда кўп. Бироқ, бу ердагидай имконият, табиат яратган мўъжиза жаҳонда ягона. Айрим мамлакатлардаги геологик қўриқхоналарда ўрганиладиган қатламлар 100-150 метрдан ошмайди. Бу жойда эса 1000 метргача. Шу қатламлардаги ҳаёт изларини кўрмоқчимисиз? Бу ишни музейдан бошлаймиз...



Американлик таниқли олим Гарри Вегстр кесмалар ҳақидаги фикрларини айтмоқда.

Қўриқхонада олма пишди

Қўриқхонадаги кўркам бинода жойлашган палеонтология музейига кирамиз. Алоҳида жавонларда юзлаб тош қотган жисмлар. Бу намуналар узоқ йиллик илмий изланишлар маҳсули. Айни пайтда музей олимлар, талабалар учун илмий-тадқиқот маркази вазифасини ўтамоқда. Елена опага «Кусто ва унинг командаси» илмий фильми, «Плутония» китобидаги воқеа-ҳодисаларни, Беруний юзлаб тошларнинг ранг-туси, хусусияти ҳақида фикр юритганини эслатиб ўтамиз.

— «Плутония»ни мен ҳам ўқиганман, — дейди кулиб Елена опа. — Фантастика-да. Чунки ер қаърига киришнинг иложи йўқ. Аммо Кусто ва унинг шогирдлари уммон тубларидаги ҳаёт, сув ўсимликлари, ҳайвонот дунёсини ўрганиб, бу ҳақда фильм тайёрлаб, тасаввур дунёси бойишига муносиб хизмат қилган. Таққос учун мисол: бу ўтлар музей учун ҳозирги Болтиқ денгизидан махсус олиб келинган. Бу тошдаги «криноид» — денгиз нилуфарининг қолдиқлари бир неча юз миллион йил олдинги ҳаётдан далолат беради. Ҳали қўриқхонанинг қаерига «олтин мих» қоқилгани, унинг аҳамияти ҳақида ҳам гапириб бераман...

СИР ОЧҚИЧЛАР ВА КЕЛАЖАК

Елена опа билан бўлган суҳбатимиз якунига етмади. Чунки олим ва тадқиқотчилар навбатдаги саёҳатдан ҳориб-чарчаб келишганди.

Энди икки оғиз сўз қўриқхонанинг илмий аҳамияти ҳақида. Унинг ҳудуди 4000 гектарга яқин. Бу жойда палеозой эрасининг ордовик, силур, девон ва қуйи корбон даврининг денгиз чўкинди жинсларида сақланиб қолган 18 та гуруҳ ҳайвон қолдиқлари учрайди. Табиийки, илмий изланиш учун бу камёб топилма ҳисобланади.

Фақат шугина эмас. Қўриқхона ер тузилиши, даврлар ўртасида вақт ўлчовларини ўрганишда ҳам бебаҳо макон дея эътироф этилади. 1987 йилда тадқиқотчилар Мотмон ва Хўжақўрғон ётқизиқлари ўртасидаги стратиграфик чегара тўлиқлиги билан халқаро шкаланинг ЭМ яруси қуйи чегарасигача бўлган муҳим ўлчов-андоза бўлиш ҳақидаги фаразларини олдинга суришди. Бу жаҳон олимлари ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлди. Кейин қўриқхонани 1989 йилда халқаро олимлар гуруҳи келиб кўздан кечиришди. Ўша йилнинг 15 июлида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида девон даври стратиграфиясини ўрганиш бўйича халқаро комиссиянинг 28-конгрессида бу илмий изланишларга юксак баҳо берилди. Ва бундан кейин ЭМ ярусининг қуйи чегараси Ўзбекистондаги Китоб қўриқхонаси ҳудудидаги Зинзилбоғ кесими бўйича ўтказилади, деган таклиф маъқулланди. Бу — жаҳон фанининг эътирофи эди.

Илмий адабиётлардаги фикрни боя Елена Михайловна «олтин мих» деб таърифлаган эди. Ҳозир қўриқхонанинг Зинзилбоғ сойлигидаги қатламларга халқаро эталон — ЭМ яруси шу жойдан ўтиши ҳақидаги махсус белги ва ёзув ўрнатилган. Олим-тадқиқотчилар дала шароитида ана шу сойлик ва кесмаларни бориб кўришди. Дунёнинг турли бурчакларидаги ер тузилиши, палеанталогия ва бошқа фанларга оид ўнлаб маърузалар тингланди. Улар илмий баҳсларга сабаб бўлди. Халқаро геология конгресси Девон даври комиссияси раҳбари Томас Баккер қилинган ишлар, ўтган халқаро анжуман фаолияти, қўриқхона ҳудудининг сақланишига юксак баҳо берди.

Фрида ВАЙРИ, Прагадаги геология институти доктори:

— Қуйи Девон даври чегара ўлчови — ЭМ яруси ҳисобланган Зинзилбоғ кесмаларини бориб кўрдик, ҳақиқатан ҳам халқаро илмий эътирофга лойиқ. Менга юртингиз, меҳмондўст халқингиз жуда ёқди. Шогирдларимни ҳам олиб келганман. Бу қўриқхона турли мамлакат олимлари, талабалари учун илмий-амалий тадқиқот ишлари ўтказиладиган марказга айлантирилса, айни муддао бўлар эди.

Стана БЕРКОВА, чехиялик аспирант:

— Устозимнинг фикрига тўлиқ қўшиламан. Илмий кузатишларим учун бой таассурот ва маълумотларга эга бўлдим. Келгусида Китобга яна келишни ният қилдим.

Ольга ОБУТ, новосибирсклик олима, халқаро геологлар конгресси Девон даври стратиграфияси бўйича комиссия аъзоси:

— Бу қўриқхона қадимги даврларни ўрганишда дунёдаги энг ноёб макон ҳисобланади. Анжуман материаллари ҳали кўп тилларда таржима қилиниб, эълон қилинади.

Қўриқхона лабораторияси бошлиғи Парда Абдураҳимов, геолог Мусурмон Ҳақбердиев, тадқиқотчи Румия Абрамова, россиялик олим Николай Бахиров ва бошқалар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар халқаро анжуман ўз кўзлаган мақсадига етди, деган фикрни илгари суришди. Қўриқхона раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди Ўткир Раҳмонов олдинда турган вазифалар, айрим муаммолар ҳақида ҳам гапириб берди. Масалан, бу ҳудудда ниҳоятда кўп ноёб ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар учрайди. Илмий изланишлар олиб бориш учун биолог ходимлар керак, биология музейини ҳам кенгайтириш лозим. Анжуманда бу ерда экотуризмни ривожлантириш ҳақида ҳам фикр юритилди.

Халқаро анжуман ишида қатнашиб, шуни англадимки, Китоб давлат қўриқхонаси дунё миқёсидаги мўъжизалардан бири экан. Бу мўъжиза она сайёрамизнинг қадим замонлардан асл ҳолати ҳақида ҳикоя қилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Мақсуд ҲАМРОЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мол-мулкни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича танлов эълон қилади:

1. Йилига 10 млн. дона полипропилен қоп ва йилига 10 млн. дона полипропилен тўрхалта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик ускуна.

2. Технологик ускуна Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган «Ўзмиллийбанк» омборида сақланмоқда.

3. Танлов ҳужжатларини ҳамда танловни ўтказиш тартиби ва процедураси ҳақидаги қўшимча маълумотларни танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат 2008 йил 11 октябрь куни соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармаси.

Телефон: 234-42-69, 234-11-17. Факс: 235-57-04.

«FITCH RATINGS»

нуфузли халқаро рейтинг компанияси

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»ни 2008 йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлаб, «Барқарор» тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.

Бизнесингиз ривожи сари барқарор ҳамкорни танланг!

Пахта банк — фаровонлигингиз калитидир!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ижроқўм аъзоси, партия Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаевга волидаи муҳтарамаси **ЗАЙНАБ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda